
15-май – “Халқаро оила куни”

15-май "Халқаро оила куни" муносабати билан Данғара тумани Оила ва хотин-қизлар бўлими ҳамда туман Маънавият ва маърифат бўлини маси ҳамкорлигида Телиминг МФЙ да "Оила муқаддас даргоҳ" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбир давомида оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, жамиятда оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида гапириб ўтилди.

“Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи” кўрик-танлови соҳибларига эсдалик совғалари топширилиб, алоҳида эҳтиром кўрсатилди.

Маданият маркази ходимлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар тадбирга кўтаринки кайфият бахш этди.

2024-05-15 19:31:34